Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 32 (5023). 9 ФЕВРАЛЬ 1983 й. ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

### тонгги газеталарда

● Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарлари билан шу мамлакатлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакилларининг амалий маслаҳат учрашувида қатнашиш учун БХР, ВХР, ВСР, ГДР, Куба, МХР, ПХР, РСР, ЧССР партия ва мамлакат намоёндалари Москвага келдилар.

● 7 февраль куни Москвада Химия саноати министрлиги коллегияси билан химия ва нефть химияси саноати ишчилари касаба союзи Марказий Комитети Президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

## Тошкентда навоийхонлик

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий туғилган куннинг 542 йиллигига бағишлаб Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида кеча ўтказилди. Навоийхонлик оқшоми Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи томонидан ташкил этилган эди. Унга таниқли ижодкорлар, институтнинг ўқитувчилари ва студентлари тўпландилар. Кечада Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Туроб Тўла, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Эркин Воҳидов, филология фанлари доктори, профессор А. П. Қаюмов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кеча сўнггида педагогика институти коллективи ва Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган катта концерт берилди.

* * *

Бугун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ҳузуридаги Навоий комитети, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти, Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий адабий меросини ўрганишга бағишланган XXVII анъанавий илмий конференцияни ўтказдилар.

Конференция А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг таниқли навоийшунос олимлари, бошқа республикалардан келган меҳмонлар буюк мутафаккир ижодининг турли қирралари, унинг замонавий адабиёт ривожига таъсири, шоир қўлёзмалари устидаги тадқиқотлар борасида докладлар ва ахборотлар билан чиқдилар.

* * *

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон халқ кутубхонасида Шарқнинг гениал шоири ва мутафаккирининг ҳаёти ва ижодига бағишланган катта кўргазма очилди. Кўргазмага фақат Навоийнинг турли тилларда босилган асарларигина эмас, балки кутубхона фондларида сақланаётган шоир суратлари ва унинг асарларига ишланган миниатюралар ҳам қўйилган. Чилонзор районидаги Фурқат номли марказлашган кутубхонада, шаҳарнинг бошқа кўпгина кутубхоналарида ҳам Навоий туғилган куннинг 542 йиллигига бағишланган кўргазма ва стендлар ташкил этилди, китобхонлар конференциялари ўтказилди.

# Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1983 йил 8 февралда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IX пленуми бўлди.

«КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорлари асосида 1983—1985 йилларда республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Музокараларда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов, «Красний водопад» экспериментал базасининг машинада сут соғиш оператори А. И. Чудная, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Қашқадарё область партия комитетининг иккинчи секретари И. И. Головачев, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Сирдарё район «Малик» совхозининг директори М. Е. Красильников, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. Қ. Каримов, Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Х. У. Умаров, чорвачиликда наслчилик иши билан шуғулланувчи илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси селекция марказининг директори У. Н. Носиров, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Қ. Каримов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Х. Худойберганов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. К. Камолов, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Т. Б. Боймиров, Гагарин районидаги «Пограничник» совхозининг бригадири Э. Б. Бўриев, Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» маккажўхорикорлик колхозининг раиси А. Э. Эгамбердиев, Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати министри Ю. Р. Мамажонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди, 1983—1985 йилларда республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирларини маъқуллади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари—КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Н. Е. Кручина, СССР гўшт ва сут саноати министри С. Ф. Антонов, СССР чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министри К. Н. Беляк, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Васильев иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тугатди.

### УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

8 февраль куни Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия раиси Ш. Ё. Ёқубов 1982 йилда қилинган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг 1983 йилги иш плани тасдиқланди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

# «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1982 ЙИЛ МАЙ ВА НОЯБРЬ ПЛЕНУМЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА 1983—1985 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАДА ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми «КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорлари асосида 1983 — 1985 йилларда республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов докладини тинглаб ва муҳокама қилиб шуни қайд этадики, партиянинг аграр сиёсатини, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини изчиллик билан амалга ошириш натижасида республиканинг қишлоқ хўжалиги юксак суръатлар билан барқарор ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозлари сурункасига уч йил давлатга олти миллион тоннадан кўпроқ пахта сотдилар. Давлатга каноп, дон, гўшт, сут, тухум, жун, қоракўл, пилла, мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш планлари ошириб бажарилди. Шу беш йиллик икки йили топшириқлари муваффақиятли адо этилди. Планга қўшимча равишда 270 минг тонна пахта топширилди. Колхозларда ва давлат хўжаликларида дон етиштириш ўнинчи беш йилликдаги ўртача йиллик даражага нисбатан 27 процент, сабзавот етиштириш 20 процент, картошка 1,8 баравар, мева ва узум етиштириш 30 процент кўпайди. Давлатга маҳсулот сотиш ва уни умумиттифоқ фондига етказиб бериш планлари ошириб бажарилди.

Озиқ-овқат программасини адо этиш ва хусусан чорвачиликни ривожлантириш масалалари республика партия ташкилотининг диққат марказида турибди.

Колхозлар, хўжаликлараро корхоналар ва давлат хўжаликлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми ва шундан кейинги пленумларининг чорвачилик масалаларига доир қарорларини бажара бориб, кейинги уч йил мобайнида гўшт етиштиришни 24 процент, сут етиштиришни 21 процент, тухум етиштиришни 23 процент оширдилар. Чорва ва паррандалар кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Ем-хашак базаси мустаҳкамланди, озуқа сифати яхшиланди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми чорвачилик маҳсулотлари, айниқса гўшт ва сут етиштириш соҳасида эришилган даража меҳнаткашларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондирмаяпти, деб ҳисоблайди. Чорвачиликда ҳали кўпгина ҳал этилмаган масалалар бор, бу тармоқни янада интенсив ривожлантириш учун резервлар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига нисбатан талабчанликнинг сустлиги, ижрочилик интизоми бўшаштириб қўйилганлиги натижасида чорвачилик соҳасида область ва район партия комитетларининг пленумларида ишлаб чиқилиб, маъқулланган тадбирлар ҳамиша ҳам бажарилаяпти, деб бўлмайди. Кўпгина хўжаликлар ва айрим районлар эса гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ҳамда тайёрлаш планларини бажармаяптилар. Чорва ва паррандалар, хусусан подадаги урғочи моллар сони секинлик билан кўпаймоқда, уларнинг маҳсулдорлиги паст. Кўпгина хўжаликларда сигирлар ва ғунажинларнинг жуда кўплаб қисир қолишига йўл қўйилмоқда. Чорвани ҳайдаб боқиш ва сўқим қилишни яхшилаш ҳисобига гўшт етиштиришни кўпайтириш резервларидан етарлича фойдаланилмаяпти, гўшт чорвачилиги, қўйчилик, йилқичилик, туячилик ва қуёнчилик суст ривожлантирилмоқда.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларида, аҳолининг хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан ҳали ҳам тўлиқ фойдаланилмаяпти. Балиқ етиштириш ва овлаш суст суръатлар билан оширилмоқда.

Бир қанча областлар ва районларда ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, озуқа етиштиришни интенсивлаш борасида етарлича тадбирлар кўрилмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми чорвачилик комплекслари, репродукторлар, фермалар, паррандачилик фабрикалари ҳамда бошқа объектларни қуриш ва уларни реконструкция қилишда жиддий камчиликлар мавжуд деб ҳисоблайди. Айрим қурилиш ташкилотлари ажратилган катта-катта капитал маблағлардан тўла-тўкис фойдаланмаяптилар, объектларни ишга тушириш планларини бажармаяптилар.

Бир қанча колхоз ва совхозларда фермалардаги сермеҳнат ишларни механизациялаш суст жорий этилмоқда, меҳнат унумдорлиги секинлик билан ўсмоқда.

Қишлоқ партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари чорвадорлар ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни янада яхшилашлари талаб этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарор қилади:

1. Пахтачиликни ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш билан бир қаторда чорвачиликни бутун чоралар билан интенсивлаш асосида тармоқни юқори суръатлар билан юксалтиришни, барқарор ем-хашак базасини вужудга келтиришни, ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланишни, илм-фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини жорий этишни таъминлаш республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг энг асосий вазифаларидан бири, деб ҳисоблансин.

1983—1985 йилларда республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари маъқуллансин.

Мана шунга асосланиб ўн биринчи беш йиллик охирида хўжаликларнинг барча категорияларида гўшт (тирик вазнда) йилига 950 минг тоннага етказилсин, яъни 1982 йилда эришилганига қараганда 1,5 баравар оширилсин, сут етиштириш 3440 минг тоннага етказилиб, 1,4 баравар оширилсин, тухум етиштириш 2665 миллион донага етказилиб, 1,5 баравар кўпайтирилсин.

Чорва ва парранданинг барча турлари, айниқса, сигирлар сони оширилсин, 1985 йилда сигирлар сони 600 минг бошга етказилсин ёки эришилган даражадан 30 процент оширилсин, чўчқалар 17 процент, қўй ва эчкилар 14 процент, паррандалар 42 процент кўпайтирилсин. Чорва ва парранда маҳсулдорлиги анча оширилсин. Ем-хашак етиштиришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилсин. Ем-хашак етиштириш 1,7 баравар кўпайтирилиб, 1985 йилда 7 миллион тонна озуқа бирлигига етказилсин. Ҳар гектар ердан олинадиган ем-хашак республика бўйича ўрта ҳисобда 85 центнер озуқа бирлигига етказилсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Госпланга, Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га чорвачиликнинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, 1983—1985 йилларда чорвачилик объектлари ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа объектлар қуриш юзасидан имкони борича қисқа муддатлар ичида Қорақалпоғистон АССР ва областларга топшириқлар етказилсин. Мана шу топшириқларнинг бажарилиши устидан қатъий контроллик ўрнатилсин.

Республика министрликлари ва идоралари, область, шаҳар ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, областлар ва районларнинг аграр-саноат бирлашмалари, бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол органлари мазкур қарорда эътибор жалб қилинган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тадбирларни кўрсинлар.

Чорвадорлар ўртасида белгиланган тадбирларни сўзсиз бажаришга қаратилган ташкилий-хўжалик ва ғоявий-сиёсий ишлар кучайтирилсин. Ўтган икки йил мобайнида чорвачилик соҳасидаги якунлар КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларидан келиб чиқадиган қоидалар ва хулосалар позициясида туриб танқидий кўриб чиқилсин, гўшт, сут, ем-хашак ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун барча резерв ҳамда имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш борасида конкрет тадбирлар белгилаб, амалга оширилсин.

Чорвачилик комплекслари, фермалар, паррандачилик фабрикалари хўжаликлараро корхоналарнинг иши белгиланган тадбирларга мувофиқ такомиллаштирилсин, ердан, моддий-техникавий воситалардан, асбоб-ускуналардан ва меҳнат ресурсларидан юксак самарали фойдаланиш таъминлансин. Янги ғаллакор-чорвадор совхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ва қуриш жадаллаштирилсин, уларда дон, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бутун чоралар билан кўпайтирилсин.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш билан бирга чорва ва паррандаларни, айниқса урғочи моллар, товуқни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини бутун чоралар билан ошириш, подани урчитиб кўпайтиришни яхшилаш чорвачиликдаги бош вазифа деб ҳисоблансин. Урғочи молларнинг қисир қолишига йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўрилсин, наслчилик иши тубдан яхшилансин, қишлоқ хўжалик жониворларини сунъий қочириш планли йўлга қўйилсин. Чорва молларни боқиб семиртиришни яхшилашга ва бу ишнинг муддатларини қисқартиришга алоҳида эътибор берилсин, гўшт топшириладиган қорамолнинг ҳар кунлик семириши ва тирик вазни анча оширилсин.

Чўчқачилик, паррандачилик, қўйчилик, туячилик, йилқичилик, қуёнчилик, шунингдек балиқчилик жадал ривожланиши таъминлансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Узживпром» ва «Узкаракульпром» ишини, уларнинг комплекслари ҳамда совхозлари ишини яхшилаш юзасидан қўшимча амалий тадбирларни кўриб, ишлаб чиқариш техника базасини ривожлантиришда уларга кўпроқ ёрдам берсин. Қўйлар бўрдоқига боқиладиган майдонларнинг қуввати кенгайтирилиб, гўштбоп қўйларнинг ҳаммаси ана шу майдонларда бўрдоқига боқиш таъминлансин. Илғор технологияни яна ҳам кенгроқ жорий этиш ҳисобига гўштга топшириладиган чорва молларнинг семизлиги ва тирик вазни оширилишига эришилсин, молларни бўрдоқига боқиш муддатлари анча қисқартирилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Госплани, Қишлоқ хўжалик министрлиги «Узптицепром» фаолиятини яхшилашда конкрет ёрдам берсинлар, барпо этилаётган паррандачилик фабрикалари, наслчилик репродукторлари ишга туширилишини жадаллаштирсинлар, паррандачилик фабрикаларини ўзида етиштирилган инкубация тухуми билан тўлиқроқ таъминлаш масалаларини тезроқ ҳал этсинлар.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтиришни, ҳамма жойда ем-хашак етиштиришни мустақил ихтисослаштирилган асосга ўтказишни партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозларнинг, совхозларнинг ва хўжаликлараро корхоналарнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари олдига энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўяди. Беда, дон ва силос учун маккажўхори экиладиган майдонлар анча кенгайтирилсин, уларнинг ҳосилдорлиги бутун чоралар билан оширилсин. Хашаки экинларни такрор ва оралатиб экиш кўпайтирилсин. Кўкат конвейерини ташкил этиш, пичанни сояда қуритиб тайёрлаш, ем-хашакни консервалаш ва ферментлар билан бойитиш яхшилансин. Ёввойи хашаки экинлар экиш ҳисобига яйловларнинг ҳолатини яхшилашга, уларнинг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилсин.

Ем-хашак етиштиришда, озуқа тайёрлаш ва қайта ишлашда илғор технология кенг қўлланилсин, ҳар бир хўжаликда силос бостириш ва сенаж тайёрлаш учун капитал иншоотлар, пичанхоналар, шунингдек ҳар бир фермада озуқа цехи барпо этилсин. Ем-хашакнинг сифати яхшилансин.

Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, областлар ва районлардаги аграр саноат бирлашмалари ҳар бир хўжаликда ем-хашак етиштиришнинг комплекс программаси ишлаб чиқилишини таъминласинлар, чорвачиликнинг ҳамма тармоқларини хилма-хил ва сифатли ем-хашак билан таъминлаш учун шу программаларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб турсинлар.

Тайёрлаш министрлиги ишлаб чиқарилаётган омихта емнинг сифатини анча ошириш чораларини кўрсин, пайчилик асосида омихта ем ишлаб чиқариш соҳасида колхозларга, совхозларга ва бошқа хўжаликларга кўпроқ ёрдам берсин.

4. Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Узколхозстрой, Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, Главсредазирсовхозстрой, Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникаси янги чорвачилик фермаларини, комплексларини, паррандачилик фабрикаларини, ем-хашак ишлаб чиқарадиган корхоналарни, чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа объектларни қуриш ҳамда мавжудларини реконструкция қилишнинг 1983 йилда ва беш йилликнинг шундан кейинги йилларида кўзда тутилган топшириқлари ўз вақтида бажарилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлиги, Главсредазирсовхозстрой, ер ўзлаштириш билан шуғулланувчи бошқа министрликлар ва идоралар 1983—1985 йиллар планида кўзда тутилган ғаллакор-чорвадор совхозлар ва бошқа чорвачилик хўжаликлари учун янги суғориладиган ерларни ишга солишнинг илдам суръатларини таъминласинлар.

Госкомсельхозтехника, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари билан, Главсредазирсовхозстрой билан биргаликда чорвачилик фермалари, комплекслари ва паррандачилик фабрикалари асбоб-ускуналарини монтаж қилиш ҳамда уларга техникавий хизмат кўрсатиш ишини, чорвачилик объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун моддий-техникавий ресурсларни етказиб бериш ишини тубдан яхшиласин.

5. Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги чорва ва сут тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштирсин, қабул пунктлари тармоқларини кенгайтирсин, уларни маҳсулот етиштириладиган жойларга мумкин қадар яқинлаштирсин. Маҳсулотнинг ўз вақтида қабул қилиб олиниши ва уни асрашнинг таъминланиши учун тайёрлов органлари ва корхоналарининг масъулияти оширилсин, колхозлар, совхозлар ва бошқа хўжаликлар билан бевосита алоқаларга ўтиш жадаллаштирилсин ҳамда 1983—1985 йилларда чорва мол, парранда ва сут бевосита республика хўжаликларида қабул қилиб олиниши батамом жорий этилсин, уларни ташиш тайёрлов ташкилотларининг ихтисослаштирилган транспорти билан таъминлансин.

6. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар корхона ва ташкилотларда ёрдамчи хўжаликларни вужудга келтириш ҳамда кенгайтириш, уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервлари ва имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш соҳасидаги ишларни кучайтирсинлар, Ўзбекбирлашув ва республика Савдо министрлигининг бўрдоқичилик хўжаликларида маҳсулот етиштиришни анча кўпайтирсинлар, чорва мол, ем-хашак, жўжа сотиб олишда, хашаки экинлар экиш учун ер ажратишда, шунингдек қишлоқ хўжалик техникасини олишда уларга ҳар томонлама ёрдам берсинлар. Аҳоли хонадонида, аввало колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари хонадонида чорвачиликни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилсин, бу ишда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилсин.

7. Область ва район партия комитетлари, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол органлари қишлоқдаги ташкилотчилик ҳамда сиёсий иш услуби ва методларини доимо такомиллаштирсинлар, коммунистларнинг жой-жойига қўйилишини яхшиласинлар, партиянинг Озиқ-овқат программасини бажариш йўлини амалга ошириш учун курашнинг ҳал қилувчи соҳаларида уларнинг авангардлик ролини таъминласинлар. Планлар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун хўжалик раҳбарларининг масъулияти оширилсин, коллективлардаги меҳнат ва ижрочилик интизоми мустаҳкамлансин, хўжасизлик ва уюшқоқсизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш олиб борилсин.

Чорвачилик кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш яхшилансин, улар ўртасидаги партиявий қатлам мустаҳкамлансин, ҳар бир чорвачилик корхонасида жанговар партия ва комсомол ташкилотлари ёки группалари тузилсин, социалистик мусобақа ривожлантирилсин ва унинг таъсирчанлиги оширилсин, чорвадорларнинг меҳнат ва турмушини яхшилаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилинсин. Чорвачилик учун кадрлар, айниқса ўрта бўғин ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш даражаси оширилсин.

Оммавий ахборот, пропаганда ва агитациянинг ҳамма воситалари ёрдамида, партия-сиёсий маорифи ва иқтисодий-умумий таълим системаси орқали ушбу пленум қароридан келиб чиқадиган вазифаларни чуқур ўрганиш ташкил этилсин, республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирларини амалга оширишда чорвадорларнинг ва барча меҳнаткашларнинг актив қатнашишларига эришилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўзларининг бутун билимлари, куч-ғайратлари ва маҳоратларини ишга солиб, бу йилги ва умуман беш йиллик топшириқларини шараф билан бажариш учун ҳамма ишни қиладилар, чорвачиликни жадал ривожлантириш тадбирларининг бажарилишини таъминлайдилар, партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиради.

